



5(49)-сон,
2017 йил, май

IJODIY PARVOZ

O'zbekiston davlat san'at va madaniyat institutining ma'naviy-ma'rifiy, ilmiy, axborot gazetasi

Жафокаш халқимиз асрлар давомида не-не оғир синовлар, машаққатли кунларни кўрмади. Ўз озодлиги, эркинлиги, тинч ҳаёти йўлида курашиб, беҳисоб қурбонликлар берган ота-боболаримиз жасорати тарихий хотирамиздан ҳеч қачон ўчмайди.

Ислом КАРИМОВ



1941-1945 йилларни биз тарихдан Иккинчи жаҳон уруши даври дея эслаймиз.

Айнан шу даврда қанчадан қанча оилалар навқирон ўғлидан, фарзандлар эса отасидан маҳрум бўлгани ачинарли ҳолдир. Қонли жангтоҳларда ўлим билан юзма-юз келиб қаҳрамонлик кўрсатган ўзбек ўғлонлари ҳам талайгина бўлган албатта.

БОБОМ ХОТИРАСИ ҚАДРЛИДИР

Ана шундай қаҳрамонона жанг қилган аскарлар сафида менинг бобом Кўчимбой Эрматов ҳам бор эди. У 1-Белоруссия fronti 65-армия 69-дивизияда оддий аскар бўлиб, 1942 йилнинг июль ойида жангга кирган. 1943 йилда дивизия командири Батов томонидан бобомнинг қаҳрамонларча ҳалок бўлганлиги ҳақида “қорахат” келган.

Оллоҳнинг мўъжизаси билан омон қолган бобомни партизанлар ярадор ҳолатда топиб олишди ва бобом бир йил давомида партизанлар гуруҳида жанг қилади. 1944 йилда яна ўз дивизияларига қайтиб пулимётчи аскар бўлиб жангни давом эттиради.

Батов бобомни тирик қолганлиги ҳақида “оқхат” юборади. 1945 йил ғалаба кунини бобом Болтиқбўйида кутиб олдилар. Уруш туганлиги тўғрисидаги хабардан сўнг бобом уйга қайтади ва кўрсатган жасоратлари учун 3-даражали ҳамда 2-даражали шухрат (слава) орденлари, кўплаб жасорат медаллари билан тақдирланганлар.

Бугун қайта ва қайта тинч, осуда ҳаётимиз учун шукрона айт-сак арзийди.

Садоқат ЭРМАТОВА,
Девонхона бўлими бошлиғи

9 МАЙ – ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ

Ўтганларни ёд этиш, тирикларни эъзозлаш, кексаларни ҳурмат-иззат қилиш ўзбек халқи учун азалий одатдир.

Ўзбекларга хос ана шу фазилат Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг ташаббуси билан 9 май —“Хотира ва Қадрлаш куни” умумхалқ байрами сифатида нишонланишида ўз ифодасини топди.

Махсус Фармонга асосан “Хотира ва Қадрлаш куни” 9 май арафасида мустақил диёримиздаги гўзал Тошкент шаҳрининг юраги бўлмиш мустақиллик майдони ёнида “Хотира майдони” нима учун барпо этилганини, у ҳаётимизда қандай ўрин тутишини, инсон қандай аҳамиятга эга эканлигини аниқ ҳис қила оладиган бўлсин. “Хотира майдони” бутун халқимизнинг иродаси билан бунёд этилган қадамжодир. Шу боис юртимизни ўзимизнинг муқаддас Ватанимиз деб биладиган, Хотира деган муқаддас туйғуни қалбдан ҳис этадиган ҳар бир инсон бу ишга ҳисса қўшиши керак деб ўйлайман. “Хотира майдони” халқимиз маънавиятининг юксалишига хизмат қилиши зарур. Зеро, бизга шу мусаффо ва тинч осмонни қолдирган аجدодларимиз ёди муқаддасдир.

Ўзбек халқи уруш даврида ҳам ўз аҳиллигини, фидойилигини

қўлдан бермай, ҳам жангда, ҳам жанг орқасида фидокорона меҳнат қилди. Ўзбек халқи суронли кунларда ўз болажонлигини намойиш этди. Баҳринисо опа ва Шоаҳмад Шомаҳмудовлар оиласи бунга жонли мисол бўла олади. Улар 14 болани боқиб вояга етказиб, жой-жойига қўйдилар. Ҳаттоки, бу ҳақда барчамиз биладиган “Сен етим эмасан” фильми ҳам яратилган бўлиб, “Халқлар дўстлиги” майдонида эса бу азиз инсонлар шарафига хайкал ўрнатилган.

Демакки, бу жой — муқаддас қадамжод бўлиши лозим. Чунки бу даргоҳ инсонларда, айниқса ёшларда қадр-қиммат, бурч, иймон-эътиқод каби инсоний фазилатларни тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади.

Ватан ҳимояси учун жонини аямаган мард, жасур, кўкраги кенг, олижаноб жафокаш ўғлонларини яна бир бор ёд этиш куни бўлган 9 май —“Хотира ва Қадрлаш куни” умумхалқ байрами эканлиги, шунингдек, энг асосийси ўтганларни ёд этиш — тириклар учун ҳам қарз, ҳам фарздир. Нафақат уруш даврида, балки Тошкентдаги “16-февраль воқеалари”нинг қонли панжарасида қолган кимнингдир ўғли, кимнингдир ёстиқдоши, кимнингдир отаси ҳам аслида шу юрт фарзанди эканликларини бир карра ёд этиш,

улар руҳларига бағишлаб бир калима Қуръони Карим оятлари ўқишни ўргатиш ва булар каби жасур бўлишга даъват этиш лозим.

“Хотира ва Қадрлаш” нима ўзи? Биринчи Президентимиз ибораси билан айтганда, “Хотира” деганда биз бу фоний дунёдан ўтган аждодларимизни эслаш, уларнинг чироғини ёқиб, эзгу ишларини давом эттиришни тушунамиз. Бу халқимизга хос азалий фазилатдир. Хотираси бўлмаган, тарихини унутган, ўз аждодларини қадрга етмайдиган миллатнинг истиқболи йўқ. Бу ҳақиқатни кишилиқ тарихи исботлаб турибди.

Қадрият дегани— бу асрлар давомида она диёримизнинг, халқимизнинг озодлик ва истиқлолини, эркин ва фаровон ҳаётини мардлик ва шижоат билан ҳимоя қилган фидойи ватанпарварларимизни ёдга олмоқ, уларга муносиб ҳурмат ва эҳтиром кўрсатмоқдир.

“Ҳаётнинг қўш-қўш синовларини, азоб-уқубатларини бошдан кечирган, Ватан учун, эл-юрт учун, мана шу мусаффо осмонимиз учун жон олиб-жон берган, бугун ҳам сафларимизда юрган меҳрибон ота-боболаримизни, олижаноб инсонларни эъзозлашдир”.

Ана шундай оғир кунларни ўтишида, жанг майдонида ўзларининг

санъати билан ёнма-ён юрган, маънавият уруғини сочган иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, яъни институтимиз дарғалари бўлмиш санъат оламининг етуқ инсонлари “Зебо Фаниева дастаси” раҳбари Гавҳархоним Фаниева бошчилигидаги аёллар гуруҳи аъзолари Тамарахоним, Коммуна Исмоиловларнинг жанг майдонларида янграган, ажойиб жангчилар шаънига айтилган қўшиқларини биз ҳеч қачон унутмаймиз ва уларнинг руҳи поклари олдида ҳамиша таъзимдаимиз. Улар бизнинг фахримиз, ғуруримиз. Маънавиятимизнинг порлоқ юдузлари бўлмиш бундай фидойи инсонларимизнинг меҳнатларини қадрга етиш, уларнинг ишларини давом эттириш, барча юртимиз ёшларини дориламон кунларнинг қадрга етиб яшашга ундайди.

Келажакни равшан

кўрсатиб турган

Юртим машъали

бор қўлларимизда

Ҳеч қандай таҳлика,

ҳеч қандай офат

Тўғон бўлмайди йўлларимизда.

Мухаррам БОЗОРОВА
“Саҳна ва экран санъати драматургияси” йўналиши
2-босқич талабаси



Юртимизда таълимга берилган имконият ёшларнинг ҳар томонлама ақлий қобилиятларини намоён қилишга имкон бермоқда. Улар жамиятнинг барча соҳаларида фаол иштирок этиб, ўзларининг фикр-мулоҳазаларини билдириб келмоқдалар. Жумладан, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти магистратура босқичи талабалари ҳам ўз магистрлик илмий изланишлари билан биргаликда турли долзарб масалаларнинг ечимига қаратилган тадқиқотларини жамоа ўртасида муҳо-

масъулият кўрсатиб, меҳнат қилишмоқда.

Бунинг натижаси ўлароқ институтда яна бир илмий тадбирни ёшлар ўртасида, конференция миқёсида ўтказишга эришилди. Анъанага айланган ушбу "Санъат ва маданият масалалари ёшлар нигоҳида" мавзусидаги V илмий-амалий конференция санъат ва маданиятга дахлдор турфа хил муаммоли масалаларни

янада куч-ғайрат бағишлади.

Магистратура бўлим бошлиғи Мусаллам Абдужаббаров ташаббуси билан ўтказилган ушбу анжуманда Султонова Дилобар "Маънавий таҳдидларнинг олдини олишда институционал тизим воситалари", Охунди Азамат "He artistic is the most comprehensive factor for entering the heart of people", Каримов Миралишер "Искус-



нинг ҳар бири барча магистратура босқичи талабалари ва профессор-ўқитувчилар ўртасида савол-жавоблар орқали қизғин ва мунозарага бой тарзда муҳокама қилинди.

Тадбир сўнгида магистратура талабаларининг конференция олди нашр қилинган "Санъат ва маданият масалалари ёшлар нигоҳида" номли етмишдан ортиқ илмий-таҳлилий мақолаларни ўзида қамраб олган китобнинг тақдимоти ҳам ўтказилди. Ушбу китоб магистратура босқичидаги талабаларни нафақат илмий ижод маҳсули, балки бўлажак ёш олим сифатидаги катта ҳаётдаги фаолиятларининг дебочаси ҳамдир.

Шу каби илмий тўпламлар, илмий-назарий конференциялар ёшларнинг илмий салоҳиятини янада юзага чиқаришдан ташқари, ўз фикрларини жамият олдидан эркин сўзлай олишга ва бу фикрларни қатъий ҳимоя қилишга ўргатади. Зеро, ўзбек ёшларининг ҳар айтажак сўзи ҳали жаҳон минбарларидан янграйди ва уни бутун дунё эшитади.

**Моҳи садаф
УБАЙДУЛЛАЕВА,
"Театр санъати"
мутахассислиги 1-курс
магистранти**

КЕЛАЖАККА ҚАДАМ

Малакали кадрлар тайёрлаш, хусусан илм остонасидаги магистрантларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш эртанги кун истиқболи учун мустаҳкам асосдир.
Бахтиёр Сайфуллаевнинг "Санъат ва маданият масалалари ёшлар нигоҳида" китобидан)



камага тортиб, илмий салоҳиятларини намоён этишмоқда. Бу жараёнда институт профессор-ўқитувчиларидан тортиб, раҳбарият аъзоларигача бирдек

бўлиб ўтди. Конференцияни институтнинг илмий ишлар бўйича проректори Холиқулова Гўзал Эркиновна очиб берди. Улар талабалардаги интилишларини қўллаб-қувватлашларини мамнуният билан изҳор қилиб, ёшлардаги илмий салоҳият йил сайин ортиб бораётганини эътироф этди. Бунда илмий раҳбарларнинг меҳнатлари беқиёс эканлигини таъкидлаб ўтишлари иштирокчиларга

(Оперетты) Ўзбекистана", Каримов Жаҳонгир "Тарихий саҳна асарларининг инсон маънавиятига таъсири", Абдуманнонов Сардор "Телесериалларда тарихий шахсларни акс эттиришнинг аҳамияти", Файзуллаева Хуршида "Бозор иқтисодиёти шароитида маданият ва санъат муассасалари фаолият юртишининг ўзига хосликлари" мавзулардаги маърузалар тингланди. Ушбу маърузалар-

ТИНЧЛИКНИНГ ҚАДРИГА ЕТАЙЛИК

Тинчлик деган биргина сўздан эсанг шабада – бутун оламни бахтиёр қилади.

Ҳикмат.

9-май Хотира ва Қадрлаш куни ҳамда бу йил фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 72 йиллиги кенг нишонланди. Бу йил ҳар қачонгидан кўра ўзгача тарзда ўтказилган байрам тадбирлари уруш ва меҳнат фахрийлари ҳамда фронт орти заҳматкашларининг қалбларига ўзгача шукуҳ бағишлади. Президент Шавкат Мирзиёев иштирокидаги асосий тадбирлар Зангиота туманидаги академик Маҳмуд Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик ИТИ ҳудудидан бўлиб ўтди.

Яқиндагина кўкракларини тўлдирган орден-медалларини жаранглатиб ёнимизда юрган, бизга ватанпарварлик, жасурлик, мардлик, қаҳрамонлик сабоқларини берган дуогўй отахонларимиз бугун ораимизда кўринмай қолишмоқда. Афсуски, йилдан-йилга уруш фахрийларининг сафи тобора камайиб, ҳаёт бўлганларининг энг кичиги ҳам 90 ёшдан ошиб қолди.

Ана шундай фахрий отахонлардан бири менинг бувамлар Самиков Ҳомиджон Самифжон ўғли эдилар. Бу йил бувам ҳаёт бўлганларида 92 баҳорни қарши олардилар. 17 ёшларида жанга кирган, танларида ўша машъум уруш жароҳатларининг изи қолганди. Бувам урушдан 1-гурӯх ногирони бўлиб қайтган эди. Бувам уруш хотираларини шундай эсга олгандилар: – "Мен 1942-йил 16 ёшимда ўз хоҳишим билан Тошкент шаҳридан Ватан ҳимоясига кетганман. Армия сафидан сидқидилдан хизмат қилдим. Беш ярим йиллик хизматим даврида не азобларни кўрмадим. Россиянинг қаҳратон қишларида, оккупларда, ертўларда яшаб жанг қилганмиз. Европанинг паст-у баланд тоғ-у тошларида, қуруқликда,

ботқоқликларида, дарёлар кечиб, оч-наҳор қатор давлатларни босиб ўтиб, Берлингача борганмиз. Берлинни олиш арафасида дайди ўқ-осколқадан қаттиқ, огир яраланиб, ҳушимдан кетганман. Ҳушимга

ганизмда ҳарбий госпиталда эканлигимни билдим. Ҳеч эсимдан чиқмайди, ўрнимдан туришга ҳаракат қилиб, мени урушга қайтариб юборишларини сўраганман. Ҳарбий врачлар эса, мени даволанишим лозимлиги ва кейинчалик бу масалани ҳал қилишим кераклигини тунтиришди. Аммо вақт ўтаверди, тузалишим қийин бўлди ва мени комиссия орқали армиядан бўшатиб Ватаним Ўзбекистонга қайтариб юборишди". Бу каби воқеаларни бувам бизга кўп бора сўзлаб берганлар, суратларини, орден-ме-



**Улуғбек САМИКОВ,
ЎЗДСМИ талабаси**

Назария ва амалиёт уйғунлиги

Халқимиз орасида “Эшитдим унутдим, кўрдим эслаб қолдим” деган ибора кўп бора қулоғимизга чалинади. Дарҳақиқат, инсоннинг хотирасида кўргани ва амалда синаб кўргани яхшироқ сақланиб қолади. Шунинг учун устозлар шогирдларини ҳамиша маълум бир ишни ўзлаштириши учун уларни амалиётда чиниктириш йўлини маъқул кўрадилар. Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида ҳам ана шундай муҳит ҳукмрон. Институтнинг “Саҳна нутқи” кафедраси катта ўқитувчиси Баходир Мағдиев серкйрра ижодкордир. У “Саҳна нутқи” фанидан билим берибгина қолмай, “Орият доно” радиосида ҳам бошловчи сифатида фаолият олиб боради. Устоз бир қатор шогирдларининг бошловчилик қобилиятларини шакллантириш ва ривожлантиришда, жонли муҳитда ўз имкониятларини англашларига шароит яратиб, ютуқ ва камчиликлари устида ишлайди. Уларнинг касбий малакасини ошириб, ҳатто радионинг жонли эфири орқали ҳаваскор бошловчи талабаларнинг чиқишларини ҳам амалга ошириб келмоқда. Давлат радиоларида алоҳида тизим, штат бирликлари, аввалдан

тузилган дастурий кетма-кетликлари тасдиқланган бўлади. Нодавлат радиолари тизимида эса бир неча штат бирлиги қисқа, дастур кетма-кетлиги эркинроқ танланади. Давлат радиосида эфирга чиқиш учун бошловчи дастур суҳандонига 4-5 нафар ёрдамчи мавжуд. Булар: дастур режиссёри, овоз оператори, мусиқа муҳаррири, навбат-



чи ёки дастур муҳаррири. Бундан фарқли равишда нодавлат радиоси бошловчиси эса, юқоридаги кўмакчилар вазифасини мукамал ўзлаштирган бўлиши яъни матнни ўзи тузиши, ёзиши, микрофонни ўзига созлай билиши керак. Дастурда мавзубоп қандай кўшиқ янграйди ёки ради-

оўйиндаги тингловчи голиб бўлса, қарсақлар, олқишлар овози ва аксинча “Эҳ аттанг” деган шовқин овозларни ҳам компьютер ёрдамида тезкорлик билан қўйган ҳолда телефон гўшагини кўтариб тингловчи билан эфирда тўсиқларсиз, аввалдан келишиб олишларсиз боғлаши керак. Қолаверса равон, соф талаффузга, ёқимли-эшитимли тембрга эга бўлиши, кучли бадиҳагўй, импровизатор бўлиши керак. Мана кўриб турибсизки, нодавлат радиоларида ишлайдиган бошловчининг устунлиги ва иши кўплиги давлат радиоканалларидаги диктор, бошловчиларнинг ишидан 4-5 баробар кийин. Бу эса эндигина ижод оламига кириб келаётган ёш бошловчилар учун жуда яхши кўникма ҳосил қилиш йўлидир. Бу борада жонкуяр устознинг фаолиятига омад ва барокат тилаймиз. Ҳамиша шогирдлар ардоғида уларга бош бўлиб юрсинлар. Жамиятимизда ана шундай узокни кўра билгувчи, талабчан ва ғамхўр устозлар кўпаяверсин!

Шаҳноза РУСТАМАЛИЕВА,
“Халқ ижодиёти” факультети
“Ижтимоий-маданий фаолият” бўлими 1-босқич талабаси

Муҳаммад Юсуф хотирасига

АНГЛАДИМ, ЭРК ДЕГАН ШОИР ҚАДРИНИ

*Шабнамлар япроққа илиниб саҳар,
Кўксига сизмаган муҳаббатини –
Тушинг ҳасратидан оқариб сочи,
Тонг қилди соғиниб Муҳаммадини.*

*Томчилар шоиқилар бағирламоққа,
Бу оқшом Марҳамат тунроқларини.
Ва тиз чўкдилару гуллар кўйнига,
Силамоққа шоир яноқларини.*

*Оҳанги дилларга қоришиб кетди,
Хотира айладик ҳар бир сатрини.
Дарди оналарнинг кўзин ёшидан,
Англадим, эрк деган шоир қадрини.*

*Ҳали кўп дилларда айтмоққа кўшиқ,
Шеърят боғида кўндир бўлбуллар.
Лекин ҳар кўнглининг дарди ўзгача,
Муҳаммад Юсуфни кўмсар
кўнглилар.*

Баҳромжон ИНАТУЛЛАЕВ,
ЎзДСМИ ҳузурдаги
“Тармоқ маркази” тингловчиси

МАЛАБА ДАСТУРАТИ

ҚАЛБ НАМА?

*Қалб нима? Қизис савола? Романаги у нима экан ўзи,
йўланиб қолдингизми? Мана шунаса, одамда биз учун оддий
туялган саволларнинг жавоби одамни йўлантириб қўяди. Деишда,
мизей ўқувчиси эди, она тили дарсида айнан мана шу сўз
билан боғлиқ бўлган савол атрофида рожа йўлланган. Бу
теет саволи: “Берилган вариантлар орасидан яеана сўзлар
қаторини топинг?”. Қизиги шундаки, жавоблар ичида қалбаки
сўзи ҳам бор бўлиб, бу сўзни тўғри жавоблар еираеига кири-
тилмасега тўғри жавоб вариант айёс бўлиб қолар эди. Ҳалина
бир овоздан “қалбаки”ни яеана сўзлар қаторига кирипти,
мен эеа қалбакининг ўзати қалб бўлиши мумкин энае, деб туриб
олдин. Чунки яеана сўз бўлиши учун ўзак ҳам унга алоқа-
дор бўлиши керакку, қалб қаердаю, қалбаки қаерда, унуман
олганда бир-бирига зиг тушуничалар. Китобнинг орқаеидаги
теет калитларида ҳам “қалбаки” яеана сўзлар қаторига ки-
ритилган экан. Мен баридир теет хато дедим. Ўқитувчимиз
ҳам мендан кўра кўпроқ китобчининг орқаеидаги калитларга
ишониб дутун куре билан қалб+аки=дан қалбакинни хоеил қил-
дилар. Уша вақтлар мана шу сарорлари учун ўқитувчимиз-
дан ҳам, дутун куредан ҳам рожа хафа бўлиб шундай деган
эди: “Сўзларнинг қалбингиздан “қалбаки” яеалеа ҳам менинг
қалбиндан хеч қачон “қалбаки” яеаб бўлмайди”. Сўзларинни
эшитиб куредошларим рожа қулишди, ўқитувчимиз эеа маъноли
жилмайиб, ўйга толдилар...*

*“ҚАЛБ” иеон мана аъзолари орасида шу ном билан ата-
лувчиси борни, бор бўлеа у қаеримизда жойлашган? Юрагин-
изми кўреатишга оишманг, юрак бу ўз номни билан юракда,
у ҳар бир тирик жонзотда хатто энг йиртқич хайвонларда,
захарли илон-у, жирканч хашаротларда ҳам бўлади. Қалб эеа
дундай энае, у халина одамларда ҳам бўлавермайди. Чин ие-
сонларгагина тегишлидир. Дил, кўнгли, қалб бир-бирига уйқаш
тушуничалар. Агар унинг жойлашган ерини сўрасангиз, юракдан-да
ичкари, рух билан қоришиб кетган мавжумликдаги аниқликдир,
Оллоғ томонидан ҳада этилган илоҳий хилқат. Ҳа айтганча
унинг сўзи, сўлоғи ҳам бор, халина ҳам кўра олмайдиган, эиш-
та олмайдиган энг нозик инжа туйғуларни кўришга, эиштишга
қодир. Баъзи иеонларнинг қалб сўзи кўр бўлади, бу эеа сўзир-
ликданга аянчидир, бир сўшида айтилганидек: икки сўз кўр
бўлеа бўлиш, қалб сўзи кўр бўлмасин!!!*

Моҳларойим АҲМЕДОВА,
“Саҳна ва экран санъати драматургияси”
бўлими 3-босқич талабаси

ҚАЛБИМИЗДА МАНГУ ЯШАЙСИЗ

Ўзбекистон халқ шоири, жамоат арбоби Муҳаммад Юсуфнинг 63 йиллиги республикамизда кенг нишонланди. Унинг шеърлари ҳали ҳамон ёш-у, қарига бирдек манзур. Шоир ўзининг содда лекин ўткир сўзлари билан барчанинг юрагига кириб борди. У ёзган Ватан, муҳаббат, инсон туйғуларига бағишланган шеърлари кўшиқ бўлиб қалбларга жойланди. Шоир ижодига бағишланган “Мусиқали драматик театр ва кино актёрлиги” кафедраси доценти Эрназар Ёрбеков режиссёрлиги ҳамда 4-босқич “Саҳна ва экран санъати драматургияси” талабаси Дусанова Гулмира муаллифлигида саҳналаштирилган “Осмоннинг охири йўқ... Ватан ердадир!” номли театрлаштирилган композицияси намоёиш этилди.



Саҳна ижодхона кўринишида безатилган: стол-стул, китоб жавони эса китоблар билан тўла, марказда Муҳаммад Юсуфнинг нурли чеҳраси акс этган суръат жойлашган эди. Саҳнага ёйилган оқ ҳарир мато эса шоир кўнглидек тоза, шеърлари мисол пок! Драматик театр ва кино актёрлиги бўлими 3-босқич талабалари икки образни: “ақл” (Абужаббор Файзиев) ва “юрак” (Бекзод Зокиров) образларини гавдалантиришди. Ақл ва юракнинг ҳақи шеърини кўринишда акс этди. Бу шеърларнинг барчаси Муҳаммад Юсуф қаламига мансуб бўлиб, баҳс давомида шоир суръати юқорига юксалиб борарди. Ақл ва юрак узок баҳсдан сўнг бирлашиб, Муҳаммад Юсуфга айланади. Бу ҳолат шуни ифодалар эдики, шоир кўнглига ҳам ақлига ҳам қулоқ солиб ижод қилган. Балки шоир кўнглида ана шу икки туйғу баҳсидан вужудга келган шеърлари дунё юзини кўргандир!

Актёрларимиз “Драматик театр ва кино актёрлиги” бўлими 3-босқич талабалари – Бекзод Зокиров, Абдужаббор Файзиев ва Шаҳноза Набиевалар ўз ролларини катта маҳорат билан ижро этишди. Таъсирли ўқилган шеърлар томошабинни бефарқ қолмади. Кўнглиларга етиб борган таъсир кучи кўзларда қалқиган ёшларда намоён бўлди. Бунда мусиқий безакнинг ҳам аҳамияти катта бўлди. Композиция профессор ўқитувчиларимиз томонидан яхши қабул қилинди.

Ана шундай ноёб мерос эгаси Муҳаммад Юсуф ўзининг шеърларида, муҳлислари қалбида бир умр мангу яшайди!

Нигина КАРИМОВА,
“Кино, телевидение ва радио санъати” факультети
“Театршунослик” йўналиши 1-босқич талабаси



ЁШ ДРАМАТУРГЛАРНИНГ ИЖОДИЙ ПАРВОЗЛАРИ



Ижтимоий-маданий ҳаётимизда жуда керакли бўлган драматургия соҳаси Республикаимизда фақатгина Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида ўқитилади. Мазкур масканда ҳозирда санъатшунослик фанлари доктори, профессор Муҳаббат Тўлаҳўжаева, фалсафа фанлари номзоди, доцент Маъмур Уматов, киносценарист Гафур Шермуҳаммад, драматург Норқўшқор Норқобилов, илмий изланувчи ходим Бахтиёр Якубов, сценарист, илмий изланувчи ходим Анвар Исмоилов сингари қатор профессионал педагоглар дарс беришади. Талабаларнинг маҳорати устида ишлаш, назария ва амалиёт билан яқинлаштириш бора-сида кўплаб ижодий ишлар қилинмоқда. Республика театрлари, “Ўзбеккино” МА билан ҳамкорлик, шунингдек, турли фестиваллардаги иштироки бунинг ёрқин мисолидир.

Қуйида шу соҳа бўйича таълим олаётган талабаларнинг ижтимоий-шахсий фикрлари ҳамда ижодий ютуқлари борасида сўз юритилади.

Мансурбек РЎЗИЕВ, Андижон вилоятидан.

Фикрлар: Мен драматургия соҳасига қизиқиб олти йил деганда институтга кирдим. Истагим шу йўналишда катта ютуқларга эришиш, унинг ривожи учун ўз ҳиссамни қўшишдан иборат. Кўпинча қўлоғимга катталарнинг “драматургия йўқ, ҳозиргилар ёзмаяпти” деган гапларини эшитиб қоламан. Аммо бу ёшларни тингламайдиган, уларни эришадиган ютуқларидан боҳабар бўлмайдиган, кўпол айтганда “қотиб қолган” кимсаларнинг танқидий муносабатидир. Таклифим театр ва кинода фаолият юритаётган аксарият катта ёшдаги “гигант драматурглар” кўпроқ янги авлод билан, ёшларнинг маҳорати билан ишласалар кўпроқ яхши натижаларга эришар экан.

Ютуқлар: Мен февраль ойида Диплом олди битирув амалиёт ишимни Андижон вилояти қўғирчоқ театрида ўтадим. Драматургия жамият ва ўзбек санъати ривожи учун янада керакли эканлигини чуқур ҳис этдим. Театр жамоасининг махсус топшириғига биноан икки ой давомида маълумотлар тўплаб, устозлар билан фикрлашиб “Бобурнинг болалиги” номли қўғирчоқ пьесасини ёздим. Ҳозирда ижодий жамоа ушбу асарнинг саҳналаштирилиши учун катта тайёргарлик кўрмоқда. Истагим болалар улуг бобомизнинг саҳнадаги болалик чоғларини ҳам қўғирчоқларнинг жонли образлари орқали кўриб, ўзларига ижобий хулоса чиқаришларидир. Бой тарихимизни англаган ҳар қандай боланинг келажаги порлоқ бўлиши шубҳасиз. Мазкур театр мен ўқишни битирганимдан сўнг адабий эмакдош сифатида ишга қабул қилиш учун институт билан ўзаро меҳнат шартномаси имзолади. Мен шу касбни танлаганимдан фахрланаман.



Достонбек РАҲМАТУЛЛАЕВ, Тошкент вилоятидан.



Фикрлар: Кўпгина давраларда, спектакль ҳамда филм муҳокамаларида ўзаро фикрлар, таҳлиллар биринчи навбатда драматургия борасида, асарнинг композицион қурилиши ҳақида сўз кетганда кўксим тўлиб фахрланиб кетаман. Демак мен осмон қадар юксак масъулиятли касбни танладим. Эндиликда кенг билим эгаллаб, амалиётда тобланиб етук саҳна ва экран асарлари яратишим учун тинимсиз меҳнат қилишим лозим. Ҳаётда инсон ўз ўрнини топиши учун интилиб яшайди. Оллоҳга шукрки, бизнинг интилишларимиз бесамар кетмаяпти.


Ютуқлар: “Ўзбеккино” МА ҳамда “Қамолот” ЁИХ томонидан ўтказилган “Пролог” кинофестивалида биз талабаларнинг ҳамкорликда ишлаган “Меҳмон” номли қисқа метражли фильмимиз Бош совринтин кўлга киритди. Ушбу ютуқ нафақат менинг, балки бутун институтим, домларимнинг ҳам ютуғидир. Ижодий фаолиятни давом эттирган ҳолда режиссура талабалари билан ҳамкорликда турли жанрда фильмлар ишламоқдамиз. Шунингдек, ҳар йили ёш олимлар, талабаларнинг илмий-назарий ва амалий конференцияларида иштирок этиб диплом ҳамда фахрий ёрликлар билан тақдирланиб келмоқдаман. Ниятим драматургия назарияси бўйича ҳам қатор изланишлар олиб бориш ва соҳани адабиётшунослик даражасига олиб чиқишдир.

Биз барчамиз шунга амин бўлидик ҳамда олдимизга катта мақсадни қўйдик: “Тинимсиз изланиб кўри ва ҳўн ёзишимиз керак! Драматургиянинг келажаги бизнинг қўлимизда!”

Сирождин РУСТАМОВ, Тошкент вилоятидан.

Фикрлар: Олдимга қўйган энг асосий мақсадим етук драматург бўлиш ҳамда шу соҳада илмий изланишлар олиб бориб малакали педагог бўлишдир. Магистратурага ўқишга кириш учун тинимсиз ўқиб тайёргарлик кўряпман. Биринчи Президентимиз таъкидлаганларидек, “Саҳналаримизда замон қаҳрамони”ни яратишимиз зарур, назаримда бунинг учун аввало, драматургни тарбиялаш лозим. Чунки асардаги ҳар қандай образни муаллиф яратади. Насиб қилса барчамиз кўзлаган эзгу мақсадларимизга етамиз.

Ютуқлар: Сурхондарё ва Сирдарё вилояти қўғирчоқ театрларида менинг “Ким аълочи”, “Сехрли сандиқчалар” номли пьесаларим саҳналаштирилди. 2016 йили Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан ўтказилган “Дўрмон семинари”да соҳам бўйича фаол иштирок этдим. Муаллифлигимдаги асарларим билан “Ижод” жамоат фонди томонидан ўтказиладиган “Биринчи китобим” танлови қолибга айландим. Бу мен ва “бўлажак ҳамкасб курсдошларим” учун ҳам улкан ютуқ. Насиб қилса соҳамизни жаҳон миқёсига ҳам олиб чиқамиз.



* * *

*Челақлаб ёғади ёмғирлар,
Кўкдан нур тўқиқлар элақлаб.
Келсанг гар, севгимни берардим,
Мен сенга юрақлаб-юрақлаб.*

*Нур босган боғларни сайр этиб,
Хўв эски доғларга хайр этиб.
Бахти томон борардик, кўлардик,
Ҳижронни эрмақлаб- эрмақлаб.*

*Ҳавонинг нафаси бир майин,
Чегара, чарчоқни билмайин.
Айтардик дилларга тинмайин,
Эртақлар эркалаб-эркалаб.*

*Ўзанга сизмаган дарёдай,
Рўҳим-ер, сув, ҳаво, самодай.
Шамолдай кетяпти сен томон,
Дуёни етақлаб-етақлаб.*

*Челақлаб ёғади ёмғирлар,
Кўкдан нур тўқиқлар элақлаб.
Келсанг гар, севгимни берардим,
Мен сенга юрақлаб-юрақлаб.*

**Сарафроз АҲМЕДОВА,
“Саҳна ва экран санъати
драматургияси” йўналиши
3-босқич талабаси**



ТОШ ВА ГУЛ

*Аширғулни севама экан
ифориға маст бўлиб,
Бир кўн ташлаб кетмоғи бор
лазон бўлиб, хас бўлиб.*

*Унга қилган дил изҳоринг
ўрайди-да япроққа,
Пок-покиза элтиб берар
борар жойин – тўпроққа.*

*Гулзорни тарк айла, дўстим,
дўст тушингил дашт билан,
Дашт аро қақшаб ётган
тошларга бор шашт билан.*

*Унга басдир ўтми юрак,
ўтми шик, ўтми қараш,
Севгинг ила тошлар гуллаб
кетгусидир, сангтарош.*

*Сангтарошим, тошини севиб,
тошдан ҳайкал ўйгинг бор,
Сўнг пойизга лиёнаткор
аширғулни қўйгинг бор.*

**Шавкат ДўСТМУҲАММАД,
“Саҳна ва экран санъати
драматургияси” йўналиши
2-босқич талабаси**



Муассис:

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти

Тахрир ҳайъати:

Гўзал ХОЛИҚУЛОВА
Ҳамадам ИСМОИЛОВ
Антонина КОШЕЛЕВА
Рашид УСНАТОВ
Нафиса РАЙИМҚУЛОВА
Муҳаррам БОЗОРОВА

Масъул котиб:
Шавкат ДўСТМУҲАММАД

Тахририят манзили: 100025 Тошкент шаҳри М.Улугбек тумани, Ялмоғоч мавзеси, 127 А уй
Тел.: +99890 374-24-25;
+99871 230-28-13
www.dsni.uz; dsni_info@olan.uz

Газета ҳар ойнинг охири ҳафтасида «NISO POLIGRAF» МЧЖ босмаҳонасида чоп этилади.
Манзил: Ўрта Чирчиқ тумани, Оқ ота ҚФЙ, Машъал маҳалласи, Марказ — 1.

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида № 02-00166 рақами билан
2012 йил 19 декабрда рўйхатта олинган.

Газета институтнинг тахририят ва нашриёт бўлимида тайёрланди. Ҳамаки — АЗ, ҳажми — 2 босма табоқ.
Нухаси — 1400 дон. Баҳоси келишилган нарҳда.
Чоп этишга 27.05.2017 да топшириди.